



Кишиликнинг энг кадимги маданий ўчоқларидан бири хисобланмиш Туркистон тарихий тараккиётнинг ўнқир-чўнқирларига карамай доимо ўзининг сернуфуслиги билан кўзга ташланиб келган. Ва, табиий равишда ҳаёт шаҳар ва воҳалардан ташкарида — дашту биёбонларда ҳам кайнаган. Шунинг учун ҳам Туркистон халклари ҳаётида ўтрок, ярим ўтрок ва кўчманчилик турмуш тарзи ёнма-ён, бир-бирига гоятда боглик равишда мавжуд бўлиб келган. Хоразм, Зарафшон, Фаргона, Кашкадарё, Сурхондарё воҳа ва водийларида яшаган халklar минг йиллар давомида асосан ўтрок ҳаёт кечириб келган бўлсалар, атрофдаги чўлу биёбонларда, табиий равишда, кўчманчи, ярим кўчманчилар истикомат қилган. Шу билан бирга кўчманчи мухитдан ҳам вақти келиб қудратли сиёсий сулолалар етишиб чиккани ҳам маълум. Бу, айниқса, салжукийлар сулоласи мисолида кўзга яққол ташланади.

Салжукийлар туркий ўғиз кавми, таркибида дастлаб ҳозирги Жанубий Қозогистон ҳудудига тўғри келадиган яйловларда, Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ерларда кўчманчи ҳаёт кечирар эдилар. Аслини олганда ҳудди шу вақтда салжукийлар сулоласи хали шаклланмаган эди. Бошқача айтганда, салжукийлар бу этник ном эмас. Х асрда Балхаш қўлининг жанубидан то Қуйи Волгагача бўлган ҳудудда туркий халқлардан бўлмиш ўғизлар яшардилар. Улар қўплаб қабила ва уруғларга бўлинганлар. Ана шундайлардан бири — киник уругидан чиккан Салжук исмли шахс ўзининг фазилатлари, билимдонлиги, абжирлиги ва мардлиги орқасида обрў-эътибор қозониб боради ва бир канча ўғиз қабилалари сардори, катта ҳарбий қуч бошлиги даражасига эришади. Табиий равишда бундай шахсларнинг бориб-бориб ўз давраси, таъсир доираси вужудга келади. Салжукда ҳам шундай бўлган. Бу эса ўз ўрнида муайян қарама-қаршиликларни ҳам вужудга келтирган. Ҳуллас, иқтисодий-сиёсий рақобат натижасида Салжук ўз тарафдорлари билан юқорида тилга олинган Сирдарёнинг ўрта оқимларини тарқ этиб, дарёнинг қуйи оқими чап қирғоғида жойлашган Жанд вилояти яқинига келиб ўрнашади. Бу воқеа тахминан Х асрнинг ўрталарида содир бўлган. Шу орада улар ислом динини қабул қиладилар. Улар ҳудди шу асрда Мовароуннахрни идора қиладиган сомонийлар, аниқроғи сўнгги сомонийларни ҳарбий жихатдан қўллаб-қувватлаганларини биламиз. Салжукийларнинг Мовароуннахр сиёсий ҳаётига фаол аралашуви айниқса сомонийларнинг қорахонийлар билан рақобати йиллари қучайди. Бу эса салжукийлар қарамоғидаги ўғиз қавмларининг Самарқанд, Бухоро, Кеш вилоятларига бориб ўрнашишлари учун шароит яратди. Улар ўз турмуш тарзларига қўра яйловлар,

даштликларда ўрнашганликлари табиий. Шахар ва вохаларда эса, аввалгидек, ўтрок туркий аҳоли истикомат килаверган.

Ўғиз кавмларининг ҳаракати икки дарё оралиги билан чекланиб қолмаган. 1075 йипи уларнинг Кир қисми (4000 оила) Махмуд Газнавийнинг розилиги ва бир неча шартлар билан Сарахс, Фарова ва Обивард атрофларидаги яйловларни ўзларига макон қиладилар. Шу тарика улар Хуросонга кадам босадилар. Салжукийлар ва газнавийлар ўртасидаги илк муносабатлар ҳақида биз ўтган бобларда ҳам тўхталиб ўтгандик. Салжукийлар иложи борица Хуросонда мавжуд иқтисодий, савдо ва, албатта, сиёсий шароитлардан фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Бу ўз ўрнида шу вақтда ўлкада ҳукмдор бўлган Газнавийлар манфаатига зид келарди. Шу тарика улараро зиддият пайдо бўлади. 1040 йилга қадар улар бир неча марта ўзаро тўқнашганлар. Охири эса кўрсатилган йили Дандониконда салжукийлар газнавийларни мағлубиятга учратадилар. Бу вақтга келиб Салжук аллақачон охиратга равона бўлган, унинг хонадони сиёсий фаолиятига эса наби-раси Тўғрулбек (1038—1063) бошчилик қиларди. Хуллас, 1040 йили Тўғрулбек Хуросон ҳукмдори деб эълон қилинади ва шу тарика дунё салтанатлари тарихида яна бир қудратли сулоланинг расмий юксалиш йўли бошланади.

XI асрнинг мазкур 40-йилларидаёқ салжукийлар Хоразм, Эрон, Кавказортига ҳарбий юришлар уюштирадилар. 1055 йили эса Тўғрулбек халифалик пойтахти Бағдодни эгаллайди ва ўз номига хутба ўқиттиради. Тўғрулбек ҳаётлигидаёқ салжукийлар Эрон, Ирок, Кавказорти ўлкаларини ўз таъсир доираларига тортган эдилар. 1071 йили эса кейинги салжукий ҳукмдор Султон Алп Арслон (1063—1072) Кичик Осиёда Византия подшоси Ромен IV Диогенни енгиб, ўзини асирга олади. Бу ўз ўрнида салжукийларнинг Кичик Осиё ва Яқин Шарқда мустаҳкам ўрнашиб олишлари учун катта замин тайёрлайди. Султон Маликшоҳ (1072—1092) замонида Самарқанд, Бухоро, Ўзганд (Фаргона) ҳам салжукийлар қўл остида бирлашади. Шарқий Туркистондаги қорахонийлар ҳам салжукийлар устунлигини тан оладилар. Султон Маликшоҳ ҳукмронлиги даврида салжукийлар салтанати Шарқий Туркистондан Ўрта денгизгача бўлган ҳудудни ўз ичига олган.

Шу билан бирга, авваллари ҳам кўрганимиздек, ҳар қандай салтанатнинг ўз юксалиш босқичи бўлиши билан бирга парчаланиш, инкироз йўлига кириш даври ҳам бўлади. Салжукийлар салтанатининг заифлашиб парчаланиш жараёни эса XI асрнинг иккинчи ярмида бошланади. Бундай жараён сабабини салтанатнинг ҳаддан ташқари улкан ҳудудда ястанганлиги, бунинг оқибатида уни бир марказдан туриб бошқарувдаги маълум қийинчиликларнинг вужудга келиши, расмий сулоланинг қўплаб намояндалари, маҳаллий ҳукмдорларнинг мустақилликка интилишлари, қарам ўлкаларнинг табиий равишда қорозилиги, қаршилиги қабилар билан тушунтириш мумкин.

Қисқаси, XI асрнинг иккинчи ярмидаёқ салжукийлар хонадони вакиллари фаолияти билан боғлиқ Сурия, Ирок, Анатўлия (Қўня), Кермон султонликлари юзага келади. Сулола ички низолари кескинлаша бориб, XII аср бошларидаёқ салтанат шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниб кетади (ашиналийлар, қорахонийларнинг ҳам ички низолар сабабли ҳудди шундай қисмларга бўлиниб кетганини эслайлик). Шарқий қисм асосан Хуросон ва Мовароуннахрдан иборат бўлиб қолди. Унинг чегаралари, таъсир доираси катъий бўлмай ўзгариб турган. Чунончи, Султон Санжар (1118—1157) қудрати авжига чиққан вақтларда ғарбий салжукийлар (Эрон, Ирок, Озарбаижон) унинг, яъни шарқий салжукийларнинг сиёсий таъсирида бўлганлар. 1141 йили Мовароуннахрга шарқдан қорахитойларнинг бостириб кириши билан эса Султон Санжарнинг ҳам қучи қирқилди.

Корахитойларга карши салжукийлар корахонийлар билан биргаликда лашкар тортган бўлсаларда, аммо маглубиятта учрайди-лар. 30 минг киши, жумладан, 3—4 минг амиру амалдорлар ҳам халок бўлади. Бу ўз ўрнида салжукийларга карам бўлган Хоразм сулолаларининг юксалиши учун шароит яратади. Худди шу ердан чиккан хоразмшоҳлар (ануштегинийлар) XII асрнинг иккинчи ярмида гарбий салжукийларга зарба берадилар. Шаркий салжукийлар фаоли-ятига эса Султон Санжар ўлимидан кейин чек кўйилади. Бошқача килиб айтганда, XII аср охирига келиб Кичик Осиёдаги Анатўлия (Кўня) султонлигидан ўзга бирон-бир маконда расмий салжукий хонадони колмайди. Анатўлия (Кўня) султонлиги эса XIII аср ўрталарида мўгулларга карамликка тушади. Аммо нима бўлганда ҳам худди мана шу салжукийлар туфайли Кичик Осиёга туркий тилли кавмларнинг бориб ўрнашиши жараёни кучаяди ва бориб-бориб мазкур минтакада туркий давлат ва миллатга асос солиниши учун тегишли замин яратди. Шунинг учун ҳам хозирги Туркиядаги туркий тилли халк Туркистонни ота юртимиз, яъни тарихий ватанимиз, деб эътироф этади.

Энди салжукийлар даври давлат курилиши масаласига тўхталсак. Давлат тепасида олий ҳукмдор мақомида салжукийлар хонадони намояндаси турган. У Султон (Султон ул-аъзам) унвонига эга бўлган. Унинг номидан хутба ўқилиб, танга зарб этилган. Тахт отадан болага мерос сифатида ўтган. Мулк, ер-сув тақсимлаш, муҳим давлат ва бошқарув мансабларига тайинлаш, давлат қирим-чикимларидан боҳабар бўлиб туриш, қўл остидаги амалдорлар ва хизматкорлар фаолиятини назорат қилиб туриш унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва вазифалари сирасига қирган. Шунингдек олий ҳукмдор ўз мансабдорла-ри, хизматкорлари уетидан тушган ариза ва шикоятларни, амалдорларнинг даромади, солиқ тўловчилар, уларга бошчилик қилувчиларнинг фаолиятини назорат қилиб бориши керак бўлган. Мамлакат ободонлиги, сунъий сугориш тизимларини барпо этиш, қўприқлар қуриш, қишлоқларни обод этмок, экинлар аҳволидан боҳабар бўлиш, қалъалар, янги шаҳарлар барпо этиш, олий бинолар қуриш, қатта йўллар ўзра работлар (мех-монхоналар) бино этиш, мадрасалар очиш қаб қатор савобли ва ҳар қандай давлат ривож қилувчи учун зарур бўлган тадбирларни амалга ошириш ҳам олий ҳукмдор зимма-сида бўлган. Низомул мулк ҳукмдорнинг фуқароларга муносабатини шундай белгиланган: «Подшоҳнинг бир ҳафтада икки қун зулм қўрганларни қабул қилмасдан иложи йўқ. У зулмқорни қазоламоғи, инсофга қақирмоғи, раийят сўзларини ўз қулоғи билан воситачисиз эшитмоғи керак. Арзчилар энг муҳим сўзларини айтмоқлари, (ҳукмдор эса) улар бўйича ҳукм қилармоғи лозим. Шунда мамлакатда подшоҳ эзилган ва адл ис-товчиларни ҳафтада икки қун қабул қилиб, уларнинг сўзини тинглай экан, овозаси тарқайди. Золимлар бундан қўчийдилар, қўлларини қалта қилдилар».

Газнавийлар, қарахонийлар, сомонийлар мисолида қўрганимиздек, салжукийлар бошқарув тизими ҳам иккига: даргоҳ ва девонларга бўлинган. Даргоҳдаги энг асосий хизмат ва вазифаларни қўрсатиб ўтамиз: улуг ҳожиб — даргоҳдаги султонга энг яқин қиши, даргоҳ билан девонлар ўртасидаги алоқаларни мувофиқлаштириб турувчи, расмий қабулларни уюштирувчи. Хорис амира (амири хорис) султон қиларган қазо ҳукмларини ижро этиш билан шугулланган. Саройдаги қурол-аслаҳа, айниқса, султонга тааллуқли нарсаларни сақлаш ишини салоҳдор олиб борган. Даргоҳ ишларини бошқарувчи ҳос вақил, султон байроғини тутувчи аламдор дейилган. Султон ва даргоҳ ҳавфсизлигини таъминлаш қанддорга юқлатилган. Шунингдек даргоҳ фаолиятини таъминлашда жомадор, шаробдор, қашнегир (султоннинг овқатланишига масъул), сарҳанг, мироҳур, таштдор қаб мансабдорларнинг ҳам ўз ўрни бўлгани маълум.

Салжукийлар бошқарув тизимида ҳам бош вазир хизмати алохида ахамият касб этган. У марказий бош-қарув (девони аъло) тепасида турган холда мавжуд барча девонлар (вазирликлар) фаолиятига раҳбарлик қилган. Хазина, молия, солиқ, давлатга тегишли ишлаб чиқариш муассасалари ишини назорат қилиш унинг гарданида эди. Манбаларда бош вазирни раис ур-руасо (раисларнинг бошлиғи), саъид ур-руасо (бошликлар-нинг каттаси), деб таърифлашларига кўра айтиш мумкинки, унинг фаолияти мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатидаги барча соҳаларга тегишли бўлган. Чунончи, у султон номидан қарам ўлкалар ҳукмдорлари, хори-жий давлатлар намояндалари билан мулоқот ва музокарада бўлиш ҳуқуқига эга эди. Иккинчи томондан, шунчалик кенг кўламда фаолият кўрсатиш унинг бир ўзига огирлик қилгани табиий. Шунинг учун ҳам бош вазир ўзининг махсус вакиллари, назоратчилари орқали ҳам иш юритган. У хизматчиларни ишга олиш, уларга маош тайинлаш, ишдан бўшатиш каби ваколатларга ҳам эга бўлган. Хуллас, бош вазирнинг ҳақ-ҳуқуқи катта бўлган. Шу билан бирга у ер-мулк тақсимлаш борасида ҳуқуқсиз бўлган. Мазкур ваколат султон ихтиёрида қолган.

Шахзодалар ва маликалар ҳам ўз вазирларига эга эдилар. Аммо бу ҳол давлат манфаатларига зид эканли-гига ўз вақтида салжукииларнинг бош вазири лавозимида фаолият кўрсатган машҳур Низомул мулк (1018 ёки 1020—1092) ишора этганидир: «Қачонки, подшоҳлик иши аёллар ва гўдақлар кўлига ўтса, билгинки, подшоҳлик ўша хонадонни тарқ этгай».

Девонлар тўғрисида сўз очарқанмиш, уларнинг икки тоифага бўлинишини таъкидлаш лозим: сулолавий ва расмий девонлар. Номидан ҳам кўриниб турганидек, сулолавий девон ҳукмдор хонадон фаолияти билан боғлиқ бўлиб, унга тегишли мол-мулк, ер-сув, хазина ва бошқалар бошқаруви, ҳисоб-китоби, олий-солиғи каби вазифалар билан шугулланган. Расмий девонлар қуйидагилардир: девони тугро, девони истиффо, девони иш-роф, девони арз. Тугро девони мазкур девонлар ичида энг муҳими ҳисобланиб, унинг бошлиғи бош вазир ўринбосари мавқеида бўлган. Бу девонда олий ҳукмдорнинг фармонлари, қарорлари, расмий ёзишмалари ва ҳужжатлари тайёрланиб, кейин унга муҳр бостириш-га тақдим этиларди. Жойларга расмий ҳужжатлар юбориш, улардан ҳужжатлар қабул қилиш, чет элларга мактублар юбориш, давлат ҳужжатларида махфийликни таъминлаш қабилар шу девон хизматчилари назорати остида эди. Бу девонга хизматга ҳар ким ҳам олинавормасди.

Кейинги вазирлик бу истиффо, яъни молия девони. Давлат қирим-чиқимлари, солиқлар, бож ва бошқа молиявий даромадлар, уларни алохида рўйхатга олиш ҳудди шу девон ихтиёрида муҳассамлашган. Бу вазирлик жойлардаги бўлимлари орқали тегишли рўйхат ва микдорларда солиқ йиғиш, қилинган ишларни алохида дафтарларда қайд этиш билан шугулланган. Бўлимлар марказга ҳар бир тадбир, масалан, солиқ йиғиш бўйича алохида ва батафсил ҳисобот ёзиб берганлар. Истиффо девони ҳақ-ҳуқуқлари нечоғлиқ бўлганлигини шундан ҳам билса бўладики, унинг хизматчилари (муставфийлар) ҳатто даргоҳ қирим-чиқимлари, хазинадаги аҳвол, мавжуд нақд пулнинг ҳисоби, давлат қармоғида бўлганларга кетадиган харажат, маош, нафақа микдори қабиларга ҳам тўғридан-тўғри аралашганлар, назорат қилганлар.

Яна бир вазирлик бу ишроф девонидир. Унинг бўлимлари вилоятлар ва шаҳарларда ҳам фаолият кўрсатган. Бир сўз билан айтганда, бу хизматнинг моҳияти давлат назорати тушунчасини беради. Бунинг исботини ишроф хизматининг фаолият доираси орқали ҳам билиб олиш мумкин: молия-солиқ ҳисобларини на-зорат қилиш ва текшириш, вақфга тегишли мулклар устидан умумий назорат олиб бориш, сулолага тегишли ер-сувлар,

кимматбахо молия коғозлари, зарбхоналар, амалдаги мухрлар, бозорлар мутасаддилари, соликчилар, кишлок оксоколлари ва бошқа амалдорлар устидан назорат олиб бориш. Назорат ўз ўрнида махфий ҳам бўлган.

Девони арз ўзига хос харбий муассаса (харбий вазир-лик) бўлиб, лашкарга мўлжалланган маош ва таъминот (озик-овқат ва кийим-кечак), харбийларнинг рўйхати, янгиланиб туриши, харбий қисмларнинг таркибий сони, уларга кетадиган харажатларнинг тури ва хажми, транспорт, харбий юришлар чоғидаги таъминот, вақги билан харбийлар кўригини ташкил этиш қабиларга масъул эди. Мазкур девон ва умуман девонлар тизими иши қандай йўлга қўйилганини қуйидаги мисол орқали яққол тасаввур қилиш мумкин. Лашкардаги бирон-бир хизматчининг маоши ошириладиган ё қисқартирилади-ган бўлинса, бу ҳақда, энг аввало молия-солик идоралари билан келишиб олиниши зарур ҳисобланган.

Маҳаллий бошқарув тизимида келсак, вилоят бошликлари (волий) ҳам ўз девонларига эга бўлганлар. Во-лийларни олий ҳукмдор тайинлаган. Улар бутун вилоят ҳаёти билан боғлиқ барча соҳаларга бошчилик қилганлар: молия, солик, суд, харбий ишлар, жазо идоралари волий назорати, тасдиғи, измида фаолият кўрсатганлар.

Туман, шаҳар микёсидаги бошқарув тизими ҳам вилоятларники қаби бўлган, фақат харбий фаолият бундан мустасно эди.

Салжукийлар даври иқтисодий муносабатлар ахво-ига келадиган бўлсак, албатта, биз бутун салтанат, яъни Мовароуннахрдан Ўрта денгизгача бўлган ҳудудда кечган иқтисодий муносабатлар тўғрисида фикр юритмай, асосий эътиборни мазкур масаланинг минтақага алоқадор томонларига тўхталиб ўтсак тўғри бўлади.

Шу маънода ўз даври учун қатта аҳамият қасб этган дехқончилик ривожланиб бориб, бунга асосан сунъий сугориш тизимларининг қенгайиб, муқаммаллашиб бо-риши қенг йўл очиб берган. Чунончи, сув тўғонларини таъмирлаш, янгиларини қуриш, ер ости ва ер усти сув иншоотларини барпо этиш, дехқончиликнинг илғор усулларида фойдаланиш, сунъий сув хавзаларини яра-тиш қаби тадбирлар ўша замон дехқончилиги тараккиётидаги асосий омиллардандир. Галлачилик, боғдор-чилик, полизчилик, сабзавотчилик, пахтачилик, пиллачилик соҳаларидаги ютуқлар ҳам илгариги даврлар ва бошқа минтақалардан қам бўлган. Чунончи, Хоразм қовунлари, Журжон (Гургон) ҳурмолари, шакарқаиши, лимонлари, Нисо узумлари, беҳилари, баклажонлари, Марв бугдойи нафакат минтақада, балки ундан ташқарида ҳам шухрат қозongan эди.

Дехқончилик соҳасининг ривожини, албатта, ҳунармандчилик тараккиёти учун тегишли асос яратиб бера-ди. Салжукийлар даври ҳам бундан мустасно эмас. Шунинг учун ҳам ёзма манбалар, археологик изланишлар натижалари берган гувоҳдикларга назар солинса, тўқимачилик (ип газлама, ипак, зигирпоя толасидан тайёр-ланган матолар ишлаб чиқариш), қуллочилик (қоса, ҳум, қўза, пийла ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш), гиламчилик, зарғарлик, ойнасозлик, темирчилик, қўн-чилик қаби қатор соҳалар ҳам ички, ҳам ташқи талаб ва эҳтиёжларни қондириш йўлида тараккий этиб қорган.

Яна бир муҳим соҳа бу савдо-сотиқдир. Савдо-сотиқнинг ривожланишида ишлаб чиқариш (деҳқончилик, ҳунармандчилик) билан бир қаторда улкан иқтисодий-савдо мақонининг маъжудлиги ҳам муҳим ўрин тутган. Албатта, бундай мақонни яратиш осон бўлмаган.

Шаҳарларда бозорлар аҳолини яхшилаш, қартиб ўрнатиш, қарвон йўллари ҳавфсизлигини таъминлаш, маълум масофаларда қаротлар, тўхташ қойлари қино этиш, қул муомаласини назорат қилиш қаби қатор муҳим тадбирларни доимо амалга оширишга йўғри қелган. Бунинг натижасида минтақанинг Ўрта ва Яқин Шарқ, Шарқий Европа,

Хиндистон, Хитой каби мамлакат ва ўлкалар билан савдо алокалари гуркираб борган. 1087 йили Султон Маликшоҳ Шарк ва Гарб йўналишлараро савдони янада жонлантириш ниятида Хуросон ва Ирок савдогарларини баъзи бир савдо бўловларидан озод этган. Савдо-сотикда курукликдан гашкари Каспий денгизи имконларидан ҳам оқилона фойдаланишга интилингани маълум. Каспий денгизи оркали Туркистонга нефть маҳсулотлари келтирилганини биламиз. Ё бўлмаса Сирдарё куйи оқими, ўнг қирғоғи ерларидан чиқадиган мушк, олтин, қумуш смбилар нафакат ташки бозорда, балки минтаканинг ўзида ҳам гоётда қадрланган. Умуман олганда, минтака бозорларида қимматбаҳо мўйна, қоракўл териси, тузланган балик, морж қозик тишидан тортиб қурук мева, нафис матолар, қимматбаҳо тошлар, тақинчокларгача топиш мумкин эди. Пул муомаласига келсак, энг юқори даражадаги пул бирлиги ўрнида соф олтиндан зарб этилган динор (қизил динор) қабул қилинган. Тарқибда олтиндан ташқари қўшимча металл аралашмаси бўлган ва маҳаллий аҳамият қасб этган динор ҳам бўлиб, уни қуқний деганлар. Шунингдек муомалада қис дирҳамлар ҳам бўлиб, улар асосан ички бозорга мўлжалланган. Салжуқийлар даврида ҳам чек, аккредитив, вексел туридаги нақд пулсиз муомала қилиш тизими амалда бўлганини алоҳида таъқидлаш лозим.

Салжуқийларнинг ташқи алоқалари ҳақида нима дейиш мумкин. Салтанатнинг Шарқий Туркистондан Ўрта денгизгача ястаниши географик жихатдан уларни тўғридан-тўғри тарихий Хитой ва Византия билан чегарадош қилиб қўйди. Хитой ҳам, Византия ҳам бундан хавфсираши турган гап эди. Шунинг учун ҳам улар ило-жи борича салжуқийларнинг заифлашиб боришидан манфаатдор эдилар. Бунда «чўғни бировнинг қўли билан ушлаш» сиёсатидан унумли фойдаланишга қўп ҳаракат қилинган. Чунончи, салжуқий Султон Маликшоҳ даврида Византия дипломатик йўллар билан Хитойни салжуқийларга қарши гиж-гижлаб, улар ўртасида уруш чиқаришга обдон ҳаракат қилгани маълум. Аммо Сун хонадонидан бўлмиш Хитой ҳуқмдорлари урушдан қўра савдо алоқалари қўпроқ манфаатлироқ эканини англаган ҳодда «шайтон йўлидан» юрмайдилар. Византия бу билан тинчимай энди тўғридан-тўғри қарбда, Европанинг ўзида салжуқийлар, аниқроғи «муқулмонлар хавфи»ни байроқ қилиб, уларга қарши қурашга даъват қила бошлайди. Ваҳоланки, ислом динини эндигина қабул қитган салжуқийлар исломни ё унинг «хавфи»ни элтувчи қуқ бўлолмасдилар. Зеро, ислом дини зуҳуридан кейин дин байроғи остидаги бирон-бир қуриш, истило йўққим, асл мақсади ва манфаати билан сиёсий, иқтисодий мўлжаллар билан уйғунлашмаган бўлсин. Демак, салжуқийлар Византия учун, энг аввало сиёсий, ҳалқаро савдо муносабатларида қатта рақиб ҳисобланарди. Одат-да, рақибни енгил иши унга нисбатан қўпчилиқ фикри, яъни мафқурасини қарши қўйишдан бошланганидек, Византия салжуқийларнинг ҳарбий-сиёсий хавфига қарши мафқура, эътиқод омилини қўйди. Бундан Рим черқови ва бошқа Европа мамлакатлари иложи борича фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Шу тариқа XI асрнинг сўнги ўн йиллигида мафқура бўёқлари билан чапланган, аслида таъсир доиралар қурашидаги бир ҳаракатгина бўлган қалиб қуришлари бошланган. Қалибчиларнинг шарққа қараб ҳаракатларини қирқишда салжуқийларнинг ҳизматлари қатта бўлган.

Салжуқийлар ўз тобелигида бўлган қуртларда фан ва маданият таракқиёти учун барча шарт-шароитни яратиб беришга интиланлар. Салжуқийлар хонадонига мансуб олий ҳуқмдорми, шахзодами ё малиқами, ҳаммалари мамлакатдаги бирон-бир шахарда бир ё бир нечта мадраса қуришни ўз вазифалари, деб қилганлар. Вазирлар, амирлар, маҳаллий ҳоқимлар ҳам урнақ олиб иш тутганлар. Чунончи, тилга олганимиз машҳур

вазир Низомул мулк ўз даврида кўплаб мадрасалар курдирган. Хар бир мадрасада ўнлаб, юзлаб илм толиблари хам диний, хам дунёвий сохаларда билим олганлар. Мадрасаларда хам табиий-аник фанлар хам ижтимоий-диний билимлардан тахсил олинган. Ўқувчиларга ойлик нафака бериб борилиб, жой билан хам таъминланган, уларни ўз даврларининг етук олимлари ўқитганлар, илм толибларининг ихтиёрида кўп минг жилддан иборат кутубхоналар бўлган. Баъзи бир мадрасаларда ўқувчилар сони минглаб бўлганини биламиз. Масалан, Низомул мулк томонидан асос солинган Низомия мадрасаларидан бирида олти минг нафар талаба яшаб, таълим олгани маълум.

Илму маърифатга бўлган анъанавий жиддий эътибор салжукийлар даврида хам ўз ахамиятини йўқотмади ва буни юкорида таъкидланган ўнлаб мадрасаларнинг барпо килиниши оркали хам билиб олишимиз мумкин. Ахвол хакикатан хам шундай бўлганини ўша замонда яшаган буюк олимлар, шоирлар фаолияти хам тасдиқлайди. Баховиддин Абубакр Марвазий, Шарафиддин

Тусий, Абулхасан Али Марвазий, Умар Хайём, Музафар Исфизорий, Захириддин Газнавий каби хандасачилар, юлдузшунослар, риёзиётчилар, Мухаммад Илокий, саййид Исмоил Журжоний, Фахриддин Розий каби табиблар, кимёгарлар, Муъизий, Анварий, Собир Термизий, Асириддин Ахсикатий, Рафъий Марвазий каби йирик шоирлар шулар жумласидандир. Одатдагидек, улар ўз замонларининг барча илмларидан хабардор бўлганлар. Масалан, Умар Хайёмни биз кўпрок машхур шоир, аникроги, тўртликлар устаси сифатида танйимиз. Вахоланки, у етук юлдузшунос ва риёзиётчи хам эди. Хайём иштирокида расадхона лойихаси чизилиб, сўнг бир йил ичида барпо этилган. Унда олиб борилган кузатишлар ва бошка изланишлар натижасида 1097 йили Умар Хайём Султон Маликшоҳ топширигига кура янги таквим (календарь) тузади. Унинг аниклиги Григорий календаридан хам юкори бўлишига карамай амалда жорий килинмасдан қолиб кетган. Бундан ташкари математика тарихида сонлардан бутун мусбат илдиз топишнинг умумий коидасини биринчи исботлаб берган хам Умар Хайёмдир.

Ё бўлмаса, кутубхоналар ахволини олайлик. Билим ва маърифат таркатишда, буюк аждодларимиз тарихий-маданий меросини саклашда катта ахамият касб этган бундай муассасалар салжукийлар даврида бир талай эди. Тарихчи ва сайёҳ Ёкут Хамавий (1179—1229) Марвда бўлганида бу ерда ўнта йирик кутубхона борлигини кўрган. Мазкур кутубхоналарда сакланаётган китоблар киммати ва сони жихатидан дунёда бирон-бир кутубхона унга тенг келолмайди, деб ёзганди тарихчи.

Хуллас, салжукийлар даври ва фаолияти хакида кўп ёзиш мумкин. Аммо бир нарса аникки, Туркистондан чиккан намоянда сифатида салжукийлар мазкур минтаканинг сиёсий, иктисодий, маданий-маърифий сохадаги кўп асрлик тажриба ва анъаналарига суянганлар, бахоли кудрат ўз фаолиятларида уларни давом эттиришга харакат килганлар.

Азамат Зиё